

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2019 йил 18 январь, № 12 (7242) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲИНДИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 17 январь куни амалий ташриф билан Гужарат штати Аҳмадобод шаҳрига келди.**



*Аҳмадобод, 17 январь.*
*ЎзА махсус мухбири Умар АСРОРОВ хабар қилади.*

Давлатимиз раҳбарини «Аҳмадобод» халқаро аэропортида Ҳиндистон Республикаси расмий доиралари вакиллари кутиб олди.

Президентимиз 18 январь куни Гужарат штати маркази Гандинагар шаҳрида «Жўшқин Гужарат — 2019» IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этади.

Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз саммит ялпи сессиясида нутқ сўзлайди. Шунингдек, Бош вазир Нарендра Моди билан Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги, халқаро ва минтақавий сиёсатга доир долзарб масалалар юзасидан музокаралар ўтказади.

Бош вазир Нарендра Моди ташаббуси билан Гандинагар шаҳрида 2003 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Жўшқин Гужарат» саммити минтақадаги энг йирик халқаро форум ҳисобланади. Унда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, халқаро ташкилот ва трансмиллий корпорациялар раҳбарлари, етакчи таҳлилчилар, экспертлар қатнашади.

Президент Шавкат Мирзиёев «Жўшқин Гужарат — 2019» халқаро инвестиция саммитида Марказий Осиё мамлакатларидан асосий меҳмон сифатида иштирок этади.

Анъанага кўра, глобал иқтисодиётни ривожлантириш, савдо соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, инвестициялар жалб қилиш, илғор технологиялар ва билимлар алмашишга доир долзарб масалалар форум иштирокчилари диққат марказида бўлади.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

**Ҳиндистоннинг Гужарат штати Аҳмадобод шаҳрида 17 январь куни Ўзбекистон – Ҳиндистон ишбилармонлар кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Ҳиндистон саноат конфедерацияси томонидан мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси кўмагида ташкил этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Ҳиндистонга давлат ташрифи олдидан Нью-Деҳли шаҳрида Ўзбекистон — Ҳиндистон бизнес форуми ўтказилиб, Ҳиндистон саноат конфедерацияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш бўйича битим имзоланган эди. Бугунги кунда мазкур кенгаш турли соҳаларга инвестициялар жалб қилиш, савдо, транспорт алоқаларини ривожлантириш, ўзаро транзит йўлакларини кенгайтириш, божхона тарифларини қисқартириш ва эркин иқтисодий зоналарда кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишда янги имкониятлар майдонига айланмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон томонидан Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Суҳроб Холмуродов, Ҳиндистон томонидан Ҳиндистон саноат конфедерацияси президенти ва “Bharti Enterprises” компаниялар гуруҳи раиси ўринбосари Ражеш Бхарти Миттал, шунингдек, икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, электроэнергетика, қурилиш, кимё ва тўқимачилик саноати, туризм ҳамда меҳмонхона иши каби соҳаларда фаолият юритувчи етакчи компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

➡ 5

## «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГУЖАРАТГА ТАШРИФИ ТАРИХИЙ ВОҚЕА ВА БУ БИЗ УЧУН КАТТА ШАРАФДИР»

*Ҳар икки йилда бир бор ўтказиладиган “Жўшқин Гужарат” саммитидан иқтисодий ривожланиш борасидаги фаол ҳамкорлик кўзда тутилган. Тўққизинчи бор ташкил этилган форумнинг асосий меҳмони Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бўлиб турибди. Шунинг учун шаҳар аэропортидан бошлаб, марказий кўчаларда ана шу руҳни берувчи кўргазмали воситалар, тарғибот паннолари ўрнатилди.*

Vibrant GUJARAT 2019 18-20 Jan
Shaping a New India | 9th Global Summit

Саммит Гандинагар шаҳридаги Маҳатма Мандир мажмуасида ўтказилади. Унда маҳаллий иштирокчилардан ташқари, Дания, Чехия, Мальта каби мамлакатларнинг бош вазирлари, умуман, юздан зиёд хорижий делегациялар қатнашади.

Ҳиндистон томонидан анжуманга жуда катта тайёргарлик кўрилди. Гужарат штати маъмурияти мутасаддилари бу жараённи қатъий назорат қилиб, ҳеч бир жиҳатни назардан қочирмасликка интилишди.

➡ 5

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2017 – 2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қабул қилинган 2018 йилги Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” ва “Yoshlar — kelajagimiz” дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди ҳамда бу аҳолининг реал даромадларини 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошириш имконини берди.

Янги ўқув йўналишларини очиш ва қабул квоталарини ошириш ҳисобига олий таълим олиш имкониятлари салмоқли даражада кенгайтирилди.

Солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичларга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан 32 баробар кўпдир.

Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорликни яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш ва бизнес учун солиқ юкини камайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

Хусусан, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 12 фоизгача пасайтирилиши ҳамда юридик шахсларнинг айланмаси (тушуми)дан давлат мақсадли жамғармаларига ундириладиган мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши корхоналар ихтиёрида қўшимча маблағлар қолиши учун шарт-шароит яратди.

2018 йилда 18 та давлатлараро ташрифлар амалга оширилди ва 50 миллиард АҚШ долларига тенг инвестициявий келишувларга эришилди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. **Умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг** лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи ҳамда қуйидагиларга қаратилган **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури** (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

**давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида** — парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш, давлат бошқарувида замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш, давлат хизматларини ривожлантириш, давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини ошириш;

**(Давоми 3, 4-бетларда).** ⟫

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 8 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»**ги 261–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 124-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини амалга киритиш ҳақида»**ги 262–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 125-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 729–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда) **XIV бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–255-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 335-модда) **5-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–411-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2016 йил, № 9, 276-модда) **8-моддаси**.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 17 январь
№ ЎРҚ—517

## Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави

Ушбу Консуллик устави консуллик фаолиятини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва ҳуқуқий асосларини, консуллик мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳимоя қилишга доир вазифаларини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

**1-модда. Консуллик фаолиятининг асосий вазифалари**

Консуллик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахслари консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда берилган барча ҳуқуқлардан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан чоралар кўриш мақсадида амалга оширилади.

**(Давоми 2, 3-бетларда).** ⟫

## Ўзбекистон — Германия: ИШОНЧЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ШЕРИК

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти:**

— Ўзбекистон Республикаси учун Германия Федератив Республикаси улкан сиёсий, иқтисодий ва илмий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ишончли ҳамда узоқ муддатли шерикдир.

Биз бу давлатнинг жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги ўта муҳим ўрнини юқори баҳолаймиз. Ўзбекистон ҳамда Германия ўртасида барча соҳада фаол мулоқот, яқин алоқа ва тажриба алмашув олиб борилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида етакчи немис компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли шерикликни янада кенгайтириш долзарб аҳамиятга эгадир. Илм-фан, таълим каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасида алоқалар ўрнатиш ҳам муҳим, деб ҳисоблайман.

**Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти:**

— Ўтган икки йилда Ўзбекистон катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ишонтириб айтаманки, Германия Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислоҳотлар ва модернизация жараёнини, жумладан, қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Шавкат Мирзиёевнинг Германияга кутилаётган расмий ташрифи турли соҳаларни қамраб олган икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун яхши имконият бўлади.

Ривожланган давлатлар ҳақида гап кетганда Германия ҳам алоҳида тилга олинади. Бу бежиз эмас. Чунки унинг тараққиётга эришиш босқичлари барча учун қизиқ ва аҳамиятлидир.

Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан дунёда нуфузли саналадиган Германиянинг умумий майдони 357 минг квадрат километрни ташкил қилади, 82,3 миллион аҳолиси бор. У иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган мамлакатлардан иборат “Катта еттилик” (G-7) ва “Катта йигирмалик” (G-20) гуруҳининг фаол иштирокчиси ҳамда Европа Иттифоқига асос солган таъсисчи давлатлардан биридир. Ҳозирги кунда ҳам минтақавий интеграциянинг ташаббускори ва ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида мазкур тузилманинг сиёсатини белгилашда фаол қатнашиб келмоқда.

➡ 5

# Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Консуллик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан яхши қўшничилик ҳамда дўстона муносабатларини ривожлантиришга, иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий алоқаларни ва бошқа алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашиш учун йўналтирилгандир.

**2-модда. Консуллик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси**

Консуллик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, ушбу Консуллик уставига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

**3-модда. Консуллик муносабатларини ўрнатиш**

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан консуллик муносабатларини ўрнатиш ўзаро келишувга кўра амалга оширилади.

Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрнатишга доир келишув, агар бошқача қоида шартлашилмаган бўлса, консуллик муносабатларини ўрнатишга бўлган розиликни билдиради.

Дипломатик муносабатларнинг узилиши консуллик муносабатларининг автоматик узилишини ва Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси фаолиятининг тугатилишини англатмайди.

**4-модда. Консуллик фаолиятини амалга ошириш**

Консуллик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари (бундан буён матнда консуллик муассасалари деб юритилади), шунингдек Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида консуллик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

**2-боб. Консуллик муассасаси**

**5-модда. Консуллик муассасасининг мақоми**

Консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлат ҳудудида консуллик округи доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан консуллик функцияларини бажарувчи ташқи алоқалар бўйича давлат органидир. Консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимига киради.

Консуллик муассасаси консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси бошлиғига бўйсунади ва унинг умумий раҳбарлигида фаолият кўрсатади. Консуллик муассасаси жойлашган давлатда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлмаган тақдирда, консуллик муассасаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунади.

Консуллик муассасаси юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўзига бириктирилган мол-мулкка, реквизитларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга (муҳрларга), тегишли штамплар ва бланкаларга, шунингдек банкларда ҳисобварақларга эга бўлади.

Консуллик хоналаридан, шу жумладан бинолардан ёки биноларнинг қисмларидан ҳамда бундай биноларга ёки уларнинг қисмларига хизмат қилувчи ер участкасидан, уларга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, консуллик вазифаларининг бажарилишига мувофиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилмаслиги керак.

**6-модда. Консуллик муассасаларининг даражалари**

Консуллик муассасалари қуйидаги даражаларга бўлинади:

бош консуллик муассасалари;

консуллик муассасалари;

вице-консуллик муассасалари;

консуллик агентликлари.

**7-модда. Консуллик муассасасини очиш**

Консуллик муассасаси консуллик муассасаси жойлашадиган давлат ҳудудида шу давлатнинг розилиги билан очилади.

Консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан очилади.

Консуллик муассасасининг жойлашиш ери, ушбу муассасанинг даражаси ва консуллик функцияларини бажариш учун консуллик муассасасига ажратиладиган консуллик округи консуллик муассасаси жойлашадиган давлат билан келишувга кўра белгиланади.

Консуллик муассасасининг жойлашган ерини, ушбу муассасанинг даражасини ва консуллик округини кейинчалик ўзгартириш фақат консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

**8-модда. Консуллик муассасаларининг имтиёзлари ва иммунитетлари**

Консуллик муассасалари консуллик муассасаси жойлашган давлатда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланади.

**9-модда. Консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларидан фойдаланиш**

Консуллик муассасаси ўзи эгаллаб турган бинога Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ҳамда қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва консуллик муассасаси жойлашган давлат тилида консуллик муассасасининг номи ёзилган пешлавҳа ўрнатиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи доимий равишда консуллик муассасаларининг биноларида ёки ҳудудларида ва транспорт воситаларида, шунингдек консуллик муассасалари бошлиқларининг хизмат хоналарида кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири доимий равишда консуллик муассасаси биносининг олд томонига, шунингдек консуллик муассасалари бошлиқларининг хизмат хоналарига жойлаштирилади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, дипломатик протокол қоидалари, шунингдек консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатлари ҳамда урф-одатлари инобатга олиниши керак.

**10-модда. Консуллик архиви**

Консуллик муассасасининг барча ҳужжатлари, хат-хабарлари, китоблари, аудио- ва видеоматериаллари, электрон ахборот ташувчилари, реестрлари шифрлар ва кодлар, муҳрлар ва штамплар, картотекалар ҳамда уларнинг бут сақланиши ёки асралишини таъминлаш учун мўлжалланган ҳар қандай жиҳозлаш ашёлари билан биргаликда консуллик архиви ҳисобланади.

Консулликнинг мансабдор шахслари консуллик архивининг дахлсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриши шарт.

**3-боб. Консулликнинг мансабдор шахслари**

**11-модда. Консулликнинг мансабдор шахси**

Консулликнинг функцияларини бажаришга ваколатли бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси консулликнинг мансабдор шахси бўлиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси лавозимига номзодларга доир талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади.

Консулликнинг мансабдор шахсини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**12-модда. Консуллик муассасасининг бошлиғи**

Консуллик муассасаларининг бошлиқлари қуйидаги даражаларга бўлинади: бош консуллар, консуллар, вице-консуллар, консуллик агентлари.

Консуллик муассасасининг бошлиғи консуллик муассасаси ишига бевосита раҳбарлик қилади, консуллик муассасасининг зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади, консуллик муассасаси ходимларининг лавозим мажбуриятларини белгилайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Консуллик муассасасининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг розилиги (экзекватураси) олинганидан кейин ўз функцияларини бажаришига йўл қўйилади. Унинг тайинланганлиги тўғрисида консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ҳокимият органлари хабардор қилинади.

Консуллик муассасасининг бошлиғи лавозимга тайинланаётганида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан консуллик патентини олади, патентда унинг консуллик округи кўрсатилади.

Консуллик муассасасининг бошлиғи консуллик функцияларини шахсан бажаради ёки уларни бажаришни консулликнинг бошқа мансабдор шахсига топширади. Агар консуллик муассасасининг бошлиғи бирон-бир сабабга кўра ўз вазифаларини бажара олмайдиган бўлса ёки консуллик муассасасининг бошлиғи лавозими вақтинча бўш турган бўлса, консуллик муассасасининг бошлиғи мажбуриятларини бажариш ушбу консуллик муассасасининг ёки Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги бошқа консуллик муассасасининг бошқа мансабдор шахси зиммасига ёхуд шу давлатдаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси дипломатик ходимларидан бирининг зиммасига юклатилади.

**13-модда. Консуллик мансабдор шахсларининг имтиёзлари ва иммунитетлари**

Консулликнинг мансабдор шахслари, шунингдек уларнинг аккредитация қилинган оила аъзолари консуллик муассасаси жойлашган давлатда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланади.

Консулликнинг мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзолари консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонунлари ва қоидаларига риоя этиши, маҳаллий урф-одатларни ҳурмат қилиши ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ички ишларига аралашиш деб қаралиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан тийилиши шарт.

**4-боб. Консулликнинг функциялари**

**14-модда. Консулликнинг мансабдор шахслари томонидан консуллик функцияларини бажариш**

Консулликнинг мансабдор шахси ушбу Консуллик уставида, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда назарда тутилган функцияларни бажаради.

Консулликнинг мансабдор шахси, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга зид бўлмаса, ушбу Консуллик уставида назарда тутилмаган бошқа функцияларни бажариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлмаган давлатларда консулликнинг мансабдор шахси зиммасига консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг розилиги билан дипломатик функциялар ҳам юклатилиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси томонидан бошқа давлатнинг консуллик функцияларини бажариш фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг кўрсатмасига биноан ва консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик функцияларини учинчи давлатда фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг топшириғига биноан, консуллик муассасаси жойлашган давлат ва учинчи давлат хабардор қилинганидан кейин, агар мазкур давлатлар бунга қарши эътироз билдирмаса, бажаради.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик функцияларини бажариш чоғида ўз консуллик округи доирасида консуллик муассасасининг фаолияти билан боғлиқ барча масалалар юзасидан консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ҳокимият органларига мурожаат этиши мумкин.

Зарур ҳолларда, консулликнинг мансабдор шахси консуллик округини айланиб чиқади.

Консуллик мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ консуллик муассасасининг бошлиғига, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги дипломатик ваколатхонаси бошлиғига ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ёхуд суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

**15-модда. Консулликнинг фуқароларга ва юридик шахсларга тааллуқли функциялари**

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларига Ўзбекистон Республикаси ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда, халқаро урф-одатларда, шунингдек консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларида берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланиши учун, агар бундай ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, чоралар кўриши шарт.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклдаги мурожаатларини қабул қилади ҳамда кўриб чиқади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун чоралар кўриши шарт.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг консуллик округи доирасида турган вакилларига хизмат мажбуриятларини бажаришида кўмаклашади.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик округида вақтинча турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлари тўғрисида, шунингдек маҳаллий урф-одатлар тўғрисида хабардор қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик округида турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда кўмаклашади.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг муассасаларида, агар ушбу давлатда фуқаро ёки юридик шахснинг вакили мавжуд бўлмаса ва у иш юритишни ўзга шахсга топширмаган бўлса ёхуд бошқа сабабларга кўра ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахслари номидан ишончномасиз вакиллик қилиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу вакиллик Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки юридик шахслари ўз вакилларини тайинлагунига қадар ёхуд ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олгунига қадар давом этади.

**16-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини консуллик ҳисобига олиш**

Консуллик муассасаси консуллик округи ҳудудида вақтинча турган ёки доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳисобини юритади.

**17-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ функциялари**

Консулликнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:

1) хорижда доимий яшаётган шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризаларни қабул қилади;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризаларни асослаш учун тақдим этилган фактлар ва ҳужжатларни текширади;

3) фуқаролик масалаларига доир аризаларни зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборади;

4) хорижда доимий яшаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлайди;

5) хорижда доимий яшаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганлигини рўйхатдан ўтказади;

6) хорижда доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади.

Консулликнинг мансабдор шахслари зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ масалалар юзасидан қўшимча маълумотларни сўраб олиши мумкин.

**18-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспортини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш юзасидан функциялари**

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик округи ҳудудида доимий яшаётган ёки хизмат сафари, контракт бўйича иш, ўқиш ёхуд даволаниш мақсадида вақтинчалик турган шахсга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга чет элга чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсининг ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш учун ҳужжатларни қабул қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларининг чет элда доимий яшашга доир рухсатномасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳужжатларини қабул қилади.

**19-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан йўқотилган тақдирда консулликнинг функциялари**

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни йўқотса ва бу ҳақда консуллик муассасасига мурожаат қилса, консулликнинг мансабдор шахси аризачи тўғрисидаги маълумотлар текширилганидан ҳамда унинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублиги тасдиқланганидан кейин мазкур фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ва унга Ўзбекистон Республикасига кириш (қайтиб келиш) ҳуқуқини берувчи вақтинчалик ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштиради ҳамда беради.

**20-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси консуллик округи ҳудудида яшаш учун маблағларсиз турган тақдирда консулликнинг функциялари**

Агар консуллик округи ҳудудига вақтинча кирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси яшаш учун маблағларсиз қолган ва бу ҳақда консуллик муассасасига мурожаат қилган бўлса, консулликнинг мансабдор шахси:

мазкур фуқарони юборган ёки таклиф этган шахснинг ёхуд ташкилотнинг ушбу фуқаронинг консуллик округи ҳудудида бўлиши билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплашга доир мажбуриятлари мавжудлигини аниқлайди ва уларнинг бажарилишига кўмаклашади;

мазкур фуқаронинг ўз оила аъзолари, қариндошлари ёки бошқа шахслар билан алоқалар ўрнатишига кўмаклашади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чора-тадбирлар етарли бўлмай қолса, консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишувга кўра мазкур фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига қайтиб кетишини таъминлаш мақсадида шундай мақсадлар учун махсус ажратилган маблағлар ҳисобига ва уларнинг доирасида молиявий ёрдам кўрсатишга ҳақли.

Молиявий ёрдам кўрсатилган тақдирда, консуллик муассасаси билан фуқаро ўртасида нотариал тасдиқланган битимга тенглаштириладиган шартнома тузилиб, унда консуллик муассасасидан молиявий ёрдам олган шахс олинган молиявий маблағларнинг ўрнини ўттиз кунлик муддатда қоплаш мажбуриятини олади.

Молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби, бунинг учун ажратилган маблағларнинг миқдори, шунингдек уларни қайтариш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Консуллик муассасаси томонидан кўрсатилган молиявий ёрдам суммаси белгиланган муддат ичида қайтарилмаган тақдирда, консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ижро хати юборади, ижро хати бўйича қарздорликни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўзсиз амалга оширилади.

Молиявий ёрдам кўрсатиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси консуллик округи ҳудудига қонунга хилоф равишда кирган бўлса;

консуллик муассасаси жойлашган давлат судининг (ваколатли органининг) бажарилмаган шартнома мажбуриятлари мавжудлиги ёки бошқа асослар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чиқиб кетишини тақиқлаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлса;

молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар яширилган ёки била туриб ёлғон маълумотлар тақдим этилган бўлса;

илгари олинган маблағларнинг ўрнини қоплаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд бўлган тақдирда.

Молиявий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам рад этилиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида бошқа зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

**21-модда. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш юзасидан консулликнинг функциялари**

Консулликнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган, одам савдосидан жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

одам савдосидан жабрланганларнинг Ўзбекистон Республикасига қайтишига кўмаклашади, уларда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса, уларнинг шахсини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш бўйича ўз вақтида чоралар кўради ҳамда консуллик йиғимларини ва бошқа йиғимларни ундирмасдан уларга Ўзбекистон Республикасига қайтиши учун ҳужжатларни расмийлаштиради;

зарур ҳолларда, консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади;

одам савдосидан жабрланганларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этади.

**22-модда. Визаларни расмийлаштириш ва бериш юзасидан консулликнинг функциялари**

Консулликнинг мансабдор шахси чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ёки унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтиш учун визаларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган тартибда расмийлаштиради ва беради, бундан электрон визалар мустасно.

**23-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикасининг ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ёхуд бедарак йўқолган фуқароларига тааллуқли функциялари**

Консуллик муассасаси жойлашган давлат ҳудудида турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ушлаб турилганлиги, қамоққа олинганлиги, маъмурий қамоққа олинганлиги ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлиги тўғрисида маълумотлар олинган тақдирда, консулликнинг мансабдор шахси:

1) консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органлари орқали фуқаро (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, яшаш жойи, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублиги) тўғрисида, шунингдек иш ҳолатлари ҳақида ахборот олади;

2) мазкур факт тўғрисида консуллик муассасасининг бошлиғини, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги дипломатик ваколатхонасини хабардор қилади;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқаросини тегишли юридик ёрдам билан таъминлаш бўйича чоралар кўради;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан учрашиш учун чоралар кўради;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаросига йўлланган хат-хабарлар ва посилкаларнинг топширилишига халқаро ҳуқуқ ва консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатлари йўл қўядиган доираларда кўмаклашади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан шахсан учрашув чоғида бундай фуқарога нисбатан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномалар қоидаларига ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя этилаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Агар ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳуқуқлари бузилаётган бўлса, консулликнинг мансабдор шахси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ, ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқларни тиклаш юзасидан консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларида йўл қўйиладиган чораларни кўради.

Консулликнинг мансабдор шахси, зарур ҳолларда ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси қайси давлатда жазони ўтаётган ёки суд қарорининг ижро этилишини кутаётган бўлса, ўша давлатнинг ҳокимият органларига авф этиш, муддатидан илгари озод қилиш ёхуд суд қарорини ижро этишни тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимоснома билан, агар Ўзбекистон Республикасининг мазкур давлат билан халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мурожаат этиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси номидан ҳар қандай чоралар кўришдан, агар мазкур фуқаро бундай чоралар кўрилишига қарши эътироз билдирса, тийилиб туради.

Консуллик муассасасининг бошлиғи ёки Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги дипломатик ваколатхонаси бошлиғи ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан кўрилган чоралар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг бедарак йўқолган, тегишли консуллик округи ҳудудида турган бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган фуқароларини қидиришда ёрдам кўрсатилишини сўраб консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органларига дарҳол мурожаат этади.

**24-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикаси тергов органларининг ҳамда судларининг топшириқларини бажаришга тааллуқли функциялари**

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси тергов органларининг ҳамда судларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусидаги топшириқларини Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ ёки, агар бундай шартномалар мавжуд бўлмаса, консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай бошқача тартибда бажаради.

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини ва Ўзбекистон Республикасининг референдумида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда уларга кўмаклашиш юзасидан консулликнинг функциялари**

Консуллик муассасаси жойлашган давлатда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига сайлов ҳуқуқларини ва Ўзбекистон Республикасининг референдумида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда уларга кўмаклашиш бўйича функциялар консуллик муассасаси томонидан бажарилади.

Консуллик муассасасидаги сайлов участкаси (референдум участкаси) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузиладиган сайлов участкасини (референдум участкасини) сайлов округига (округга) қайд этиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Консуллик муассасасининг бошлиғи:

участка сайлов комиссияси (участка комиссияси) раисининг вазифаларини амалга оширади;

сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатини (референдум участкаси бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг рўйхатини) тузиш учун маълумотларни тақдим этади;

сайловчиларнинг рўйхати (овоз берувчи фуқаролар рўйхати) билан танишиш жойи ва вақти ҳақида сайловчиларни (фуқароларни) хабардор қилади;

сайлов участкаси (референдум участкаси) тузилганлиги тўғрисида консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ҳокимият органларини расман хабардор қилади.

**26-модда. Консулликнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш юзасидан функциялари**

Консуллик муассасалари қуйидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этади:

туғилиш;

никоҳ тузиш;

никоҳни бекор қилиш;

ўлим.

Консулликнинг мансабдор шахси чет элда доимий ёки вақтинча яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, фуқаролик ҳолатини Ўзбекистон Республикасида қайд этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан далолатномалар ёзувларига ўзгартишлар, тузатишлар ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, далолатномалар ёзувларини қайта тиклаш ҳақидаги, шунингдек фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризаларни тегишли ҳужжатлар билан бирга қабул қилиб олади ҳамда ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиш учун ваколатли органларга топширади.

Консулликнинг мансабдор шахсига мурожаат этган шахслардан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари, башарти фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш консуллик муассасаси фаолият кўрсатаётган давлатнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига зид бўлмаса, ҳал этилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоида назарда тутилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**27-модда. Консулликнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан функциялари**

Консулликнинг нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи мансабдор шахси нотариал ҳаракатларни амалга ошириш сирига риоя этиши шарт. Консулликнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш сирининг ошкор этилишида айбдор бўлган мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ жавобгар бўлади.

Консулликнинг мансабдор шахси ўз номига ва ўз номидан, ўзининг хотини (эри) номига ва унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг яқин қариндошлари номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Консулликнинг мансабдор шахси нотариал ҳаракатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилади. Консулликнинг мансабдор шахси қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этади, агар:

бундай ҳаракатни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёки зарур ваколатларга эга бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат этган бўлса;

юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

(Давоми 3-бетда).

# Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

битим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига номувофиқ бўлса;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ бўлса.

Агар тақдим этилган ҳужжатлардан уларнинг қалбакилаштирилганлиги аниқ кўриниб турган бўлса ёки бу ҳақда шубҳаланиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига номувофиқ деб ҳисобланади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда, нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги тўғрисида консулликнинг мансабдор шахси мурожаат этилган кундан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирмай қарор чиқаради ва уни нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат этган шахсга беради.

Консулликнинг мансабдор шахси қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва бошқаларни) тасдиқлаш, бундан Ўзбекистон Республикасида жойлашган кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар мустасно;

2) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш;

3) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш;

4) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш;

5) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлаш;

6) мерос қилиб қолдирилган мол-мулкни қўриқлаш чораларини кўриш;

7) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш;

8) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш;

9) ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш;

10) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш;

11) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлаш;

12) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олиш;

13) сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олиш;

14) ижро хатларини ёзиш;

15) денгиз протестларини амалга ошириш.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Консуллик муассасасида нотариал иш юритиш Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида амалга оширилади. Зарур ҳолларда ҳужжатлар бошқа тилларда ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

### 28-модда. Чет давлат ҳужжатлари ва далолатномаларини консуллик томонидан легаллаштириш юзасидан консулликнинг функциялари

Чет давлат ҳужжатлари ва далолатномаларини консуллик томонидан легаллаштириш ҳужжатлардаги ҳамда далолатномалардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини, ҳужжатни ёки далолатномани имзолаган шахснинг ваколатларини, легаллаштиришга тақдим этилган ҳужжатга ёхуд далолатномага босилган муҳр ёки штампнинг ҳақиқийлигини ҳамда бу ҳужжатлар ва далолатномаларнинг консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлаш ва шаҳодатлашдан иборатдир. Консуллик томонидан ҳужжатлар ва далолатномаларнинг легаллаштирилиши уларнинг халқаро муносабатлардаги қонунийлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва ташкилотлари чет давлатнинг муассасалари ҳамда ташкилотларидан жўнатиладиган ҳужжатлар ва далолатномаларни улар консуллик томонидан легаллаштирилган тақдирдагина, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳамда муассасалари ва ташкилотларидан мазкур ҳужжатлар ва далолатномалар жўнатиладиган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кўриб чиқиш учун қабул қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик округидаги ҳокимият органлари вакиллари иштирокида тузилган ёки ушбу ҳокимият органларидан жўнатиладиган ҳужжатлар ва далолатномаларни легаллаштиради.

Консулликнинг мансабдор шахси чет элнинг расмий ҳужжатини легаллаштиришни амалга ошириши учун мазкур ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги ёки бошқа тиллардаги нотариал тартибда тасдиқланган таржимасини тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

Қуйидаги ҳужжатлар ва далолатномалар консуллик томонидан легаллаштирилмайди:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳужжатлар ва далолатномалар;

ўз мазмунига кўра Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳужжатлар ва далолатномалар;

нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар ва далолатномалар;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар ва далолатномалар.

Агар ҳужжатга ёки ушбу ҳужжатга бириктирилган вараққа апостиль қўйилган бўлса, бу ҳужжатни легаллаштириш талаб этилмайди.

Консулликнинг мансабдор шахси апостиль қўйилган ҳужжатларни, агар апостиль Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларда чет элнинг расмий ҳужжатларини легаллаштиришга доир талабни рад этадиган Конвенция қўлланиладиган чет давлатнинг ваколатли органи томонидан қўйилган бўлса, қабул қилиши шарт.

### 29-модда. Ҳужжатларни талаб қилиб олиш юзасидан консулликнинг функциялари

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг аризалари бўйича консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг давлат органларидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган муассасалар ва ташкилотлардан фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги, маълумоти ҳақидаги, меҳнат стажи тўғрисидаги ҳамда аризачиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг аризалари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган муассасалар ҳамда ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали келиб тушадиган сўровлари бўйича консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органларидан аризачиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олади.

### 30-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикасининг фарзандликка олинган вояга етмаган фуқароларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган фуқароларига тааллуқли функциялари

Консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган, ота-онаси ҳомийлигидан маҳрум бўлган вояга етмаганлар, Ўзбекистон Республикасининг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролари устидан, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган вояга етмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини фарзандликка олишни хоҳлайдиган, консуллик округи ҳудудида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг илтимосига кўра консулликнинг мансабдор шахси уларни фарзандликка олишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган суд тартиби тўғрисида хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқароси консуллик округи ҳудудида ота-онаси ҳомийлигидан маҳрум бўлиб қолганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлиб қолган консулликнинг мансабдор шахси бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилади, Ўзбекистон Республикасининг бундай фуқароси устидан васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига кўмаклашади ҳамда унинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

### 31-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикаси ҳаво, денгиз ва дарё кемаларига, шунингдек автомобиль ва темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатдаги таркибига тааллуқли функциялари

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг аэропортларида Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг командири, экипажи ва йўловчиларига консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ ҳуқуқлар ҳамда иммунитетлар берилишини кузатиб боради.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг командири, экипажи ва йўловчиларига консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ҳокимият органлари билан муносабатларда ёрдам кўрсатиши, шунингдек зарур бўлган тақдирда ҳаво кемаси, унинг экипажи ва йўловчиларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш ёки парвозни давом эттириш чораларини кўриши керак.

Консулликнинг мансабдор шахси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳаво кемасининг аэропортга учиб келишига, ундан учиб кетишига ва ҳаво кемасининг аэропортда туришига кўмаклашиш;

ҳаво кемасида юз берган ҳодисаларнинг ҳолатларини аниқлаштириш, ҳаво кемасининг командиридан, экипажи аъзоларидан ва йўловчиларидан сўраб-суриштириш;

ҳаво кемаси, ундаги юк ва рейс тўғрисидаги маълумотларни олиш;

зарур бўлган тақдирда ҳаво кемаси экипажи аъзолари ва йўловчиларининг даволанишини ҳамда Ўзбекистон Республикасига жўнатиб юборилишини таъминлаш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, почта ва юкларни Ўзбекистон Республикаси аэропортларига борадиган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларида жўнатиб юбориш;

ҳаво кемаларига тааллуқли бўлган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган декларацияни ёхуд бошқа ҳужжатни олиш, тузиш, тасдиқлаш.

Консуллик округи доирасида ҳаво кемаси фалокатга учраган, қўнишга мажбур бўлган ёки бошқа ҳодиса содир бўлган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси ҳаво кемасининг командирига, экипажига ва йўловчиларига зарур ёрдам кўрсатади.

Консулликнинг мансабдор шахси фалокатга учраган ёки қўнишга мажбур бўлган ҳаво кемасини, ҳодиса хусусиятидан далолат берувчи юклар ва ашёвий далилларни қўриқлаш чораларини кўради ҳамда учиш вақтида юз берган ҳодисани текширишда Ўзбекистон Республикасининг мутахассисларига ёрдам кўрсатади.

Ҳаво кемасининг бортида жиноят содир этилган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда ҳаво кемасининг командирига кўмаклашади.

Агар консулликнинг мансабдор шахсида мавжуд бўлган маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг муайян аэропортга кириши хатарли, номақбул бўлса ёки мумкин бўлмаса, консулликнинг мансабдор шахси ҳаво кемаси командирини бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

Консулликнинг мансабдор шахси денгиз ва дарё кемаларига, автомобиль ва темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатдаги таркибига тааллуқли консуллик функцияларини бажариш чоғида ушбу модданинг биринчи – еттинчи қисмлари қоидаларига амал қилади.

Денгиз ёки дарё кемаси чет элда олинган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юриш ҳуқуқини берувчи вақтинчалик гувоҳнома беради. Мазкур вақтинчалик гувоҳнома берилган пайтдан эътиборан то денгиз ёки дарё кемаси Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилгунига қадар, лекин берилган пайтдан эътиборан кўпи билан олти ой амал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юриш ҳуқуқини берувчи вақтинчалик гувоҳномани расмийлаштириш учун аризачи денгиз ёки дарё кемасини олиш асосларига боғлиқ ҳолда ҳужжатларни консулликнинг мансабдор шахсига тақдим этади.

### 32-модда. Консуллик округи ҳудудида табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, қуролли можаролар, оммавий тартибсизликлар вужудга келганда ва террорчилик ҳаракатлари содир этилганда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан консулликнинг функциялари

Консулликнинг мансабдор шахси табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, қуролли можаролар, оммавий тартибсизликлар вужудга келган ва террорчилик ҳаракатлари содир этилган зоналарда қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек бу зоналардаги вазиятнинг ривожи ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини ўз вақтида хабардор қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, қуролли можаролар, оммавий тартибсизликлар вужудга келганда ёки уларнинг вужудга келиш хавфи бўлганда, шунингдек террорчилик ҳаракатлари содир этилганда ёки уларнинг содир этилиш хавфи бўлганда консуллик округи ҳудудидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўради.

Консулликнинг мансабдор шахси, зарур бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яқин хавфсиз зонага эвакуация қилинишини ташкил этиш ёки уларнинг Ўзбекистон Республикасига қайтарилишини таъминлаш, шунингдек ҳалок бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг таналарини Ўзбекистон Республикасига жўнатиш бўйича чоралар кўради.

### 33-модда. Консулликнинг санитар ҳимоя соҳасига оид функциялари

Консуллик округи доирасида карантинли юқумли касалликлар пайдо бўлган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси касаллик тарқалган ҳудуднинг номини, касалликка чалинганлар сонини ва консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органлари томонидан амалга оширилаётган эпидемияга қарши тадбирларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар қилади.

### 34-модда. Консулликнинг фитосанитар ҳимоя соҳасига оид функциялари

Консуллик округи доирасида ўсимликлар зараркунандалари, ўсимликлар касалликларини қўзғатувчилар, карантин аҳамиятига эга ўсимликлар-бегона ўтлар пайдо бўлган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар қилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ёки юридик шахслари мурожаат этган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси уларни консуллик муассасаси жойлашган давлатга кириш чоғида ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва хом ашёси учун тегишли фитосанитария сертификатларини, пестицидлар ва (ёки) агрохимикатлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни кўрсатиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантиради, шунингдек манфаатдор шахсларни тегишли давлатга уруғликлар, ўсимликлар, кўчатлар, янги мева ва сабзавотларни олиб кириш қоидалари тўғрисида хабардор қилади.

### 35-модда. Консулликнинг ветеринар ҳимоя соҳасига оид функциялари

Консуллик округи доирасида ҳайвонларнинг умумий касалликлари тарқалиши хавфи бўлган ёки тарқалган, шунингдек инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлар тарқалиши хавфи бўлган ёки тарқалган ҳолларда консулликнинг мансабдор шахси бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар қилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ёки юридик шахслари мурожаат этган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси уларни консуллик муассасаси жойлашган давлатга кириш чоғида ҳайвонлар, чорва маҳсулотлари ва хом ашёси учун тегишли ветеринария сертификатларини кўрсатиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантиради, шунингдек манфаатдор шахсларни тегишли давлатга ҳайвонларни олиб кириш қоидалари тўғрисида хабардор қилади.

### 36-модда. Консулликнинг мансабдор шахси функцияларининг тугатилиши

Консуллик мансабдор шахсининг функциялари қуйидаги ҳолларда тугатилади:

у чақириб олинганда;

экзекватура бекор қилинганда;

консуллик муассасаси ёпилганда;

консуллик муносабатлари тугатилганда.

Консуллик мансабдор шахсининг функциялари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам тугатилиши мумкин.

### 37-модда. Консулликнинг мансабдор шахси фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Консулликнинг мансабдор шахси фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

### 38-модда. Ушбу Консуллик устави нормаларини бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу Консуллик устави нормаларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 39-модда. Консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар

Консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун консуллик йиғимлари, шунингдек кўрсатилган ҳаракатлар амалга оширилганлиги билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилади.

Консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан ундириладиган йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилади.

Консуллик йиғимларининг тарифлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланади. Консуллик ҳаракатлари амалга оширилганлиги билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги консуллик муассасаси бошлиғи ёки дипломатик ваколатхонаси бошлиғи томонидан кўрсатилган йиғимлар ставкаларини ҳисоблашнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ягона услубиёти асосида тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасининг бошлиғи ва дипломатик ваколатхонасининг бошлиғи консуллик йиғимларининг ва консуллик ҳаракатлари амалга оширилганлиги билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларнинг ставкаларини пасайтиришга ёки айрим шахсларни бундай йиғимларни тўлашдан уларнинг аризаларига кўра, агар ушбу шахслар томонидан кўрсатилган сабаблар аниқланса ва узрли деб топилса, озод қилишга ҳақли.

Консуллик йиғимлари ва консуллик ҳаракатлари амалга оширилганлиги билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолларда ундирилмайди.

## 5-боб. Ўзбекистон Республикасининг фахрий консули

### 40-модда. Ўзбекистон Республикаси фахрий консулининг мақоми

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг розилиги билан айрим консуллик функцияларини бажаришни Ўзбекистон Республикасининг фахрий консулига (бундан буён матнда Фахрий консул деб юритилади) топшириши мумкин.

Консуллик муассасаси жойлашган давлатда муносиб ижтимоий мавқени эгаллаган ва зарур шахсий фазилатларга эга, шунингдек зиммасига юклатилган консуллик функцияларини лозим даражада бажариш имкониятига эга шахслардан бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳам, чет эл фуқароси ҳам Фахрий консул бўлиши мумкин.

Фахрий консул Ўзбекистон Республикасининг давлат хизматида турмайди ва ўз функцияларини бажарганлик учун Ўзбекистон Республикасидан бирон-бир пул мукофоти олмайди.

Фахрий консул Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Фахрий консул ўз функцияларини Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси ёки қайси консуллик округи ҳудудида фаолият кўрсатаётган бўлса, ўша консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги консуллик муассасаси раҳбарлиги остида бажаради. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси мавжуд бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бундай раҳбарликни Фахрий консул турган давлатга қўшни ёхуд унинг ўзи турган давлатга яқин бўлган давлатлардан бирида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширади.

Фахрий консул ўзи турган давлат билан келишувга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг розилиги билан бир вақтнинг ўзида бошқа чет давлатнинг Фахрий консули мажбуриятларини бажариши мумкин.

### 41-модда. Фахрий консулнинг функциялари

Фахрий консул қуйидаги консуллик функцияларини бажариши мумкин:

консуллик округи ҳудудида вақтинча турган ёки доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритишни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

консуллик округи ҳудудида бедарак йўқолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қидириш бўйича чоралар кўриш;

консуллик округи ҳудудида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини ва Ўзбекистон Республикасининг референдумларида иштирок этишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишда консуллик муассасаси билан келишувга кўра кўмаклашиш;

консуллик округи ҳудудида доимий яшаётган, устидан васийлик ва ҳомийлик белгиланиши талаб қилинадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

консуллик округи ҳудудида турган Ўзбекистон Республикасининг ҳаво, денгиз ва дарё кемаларига, автомобиль ҳамда темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатдаги таркибига, шунингдек уларнинг экипажлари ва йўловчиларига зарур ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида Фахрий консулнинг бошқа функциялари назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# 2017 – 2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида** — суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигига эришиш, аҳоли тинчлиги, хавфсизлигини ва қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш;

**иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида** — макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, “хуфиёна” иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш;

**ижтимоий ривожланиш соҳасида** — аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва улар билан аҳолини қамраб олишни кенгайтириш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб тураржой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, туризмни ривожлантириш;

**хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида** — мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий мудофаа саноати комплексини шакллантириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, очиқлик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган ташқи сиёсий фаолият самарадорлигини янада ошириш.

2. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш учун шахсан масъул ҳисобланган **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахслари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари** 2-иловага мувофиқ мамлакат **ҳудудларига бириктирилсин**.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ҳар чоракда Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида ҳисоботлар эшитилади, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритилади, Давлат дастуридаги тадбирлар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилади.

3. **Ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда** инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг боришини муҳокама қилиш, инвесторлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этишни таъминлаш мақсадида **инвесторлар билан шахсан учрашувларни,** шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

4. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни маслаҳат ва экспертлик жиҳатидан таъминлашни амалга ошириш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг долзарб масалалари, жумладан, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши** ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги икки ой муддатда қуйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши таркиби, бунда унинг таркибига муваффақиятга эришган тадбиркорлар, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, жумладан, хорижий давлатлар фуқаролари ва хориждаги ватандошларни киритиш назарда тутилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар ҳар бир ҳududнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, инвестиция жалб этиш учун устувор йўналишларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли истиқболдаги инвестиция сиёсати стратегияси** (кейинги ўринларда — Стратегия) ишлаб чиқилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2019 йилда **Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар — устувор ҳамкорлар билан** савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва сиёсий, шунингдек, хавфсизлик соҳасидаги **ҳамкорлигини янада фаоллаштириш ва ривожлантиришга** қаратилган аниқ тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар — устувор ҳамкорлар билан ҳамкорлигини янада фаоллаштириш бўйича таклиф этиладиган тадбирлар ва йўналишлар Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) эълон қилинган капитали **1 миллиард АҚШ доллари** миқдорида бўлган **Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма). Қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек, унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион технологияларни жалб этиш;

хусусий маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини йўлга қўйиш орқали инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш;

инвестиция таклифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инвестиция муҳитини яхшилашга, шунингдек, республикамизнинг инвестиция салоҳияти ва имкониятларини хорижда кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш;

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# 2017 — 2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 3-бетларда).

б) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган **5 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги устав капиталига эга, акциядорлик жамияти шаклидаги, **давлат улуши 100 фоиз бўлган Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасининг бошқарув компанияси** (кейинги ўринларда — бошқарув компанияси).

8. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Жамғарманинг ягона таъсисчиси ҳисобланади ҳамда унинг капиталини **Жамғарма билан биргаликда лойиҳаларга инвестиция киритиш тўғрисида инвесторлар томонидан қарор қабул қилинишига қараб** шакллантиради;

инвестиция лойиҳалари бошқарув компанияси томонидан инвестиция учун устувор соҳалар, иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик ҳисобга олинган ҳолда мустақил равишда танлаб олинади;

бир лойиҳа бўйича Жамғарма инвестицияларининг энг кўп миқдори ушбу лойиҳага киритилиши режалаштирилаётган инвестициялар умумий ҳажмининг **30 фоизидан ошмаслиги лозим,** қолган қисми инвесторларнинг ўз маблағи ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Жамғарма ва бошқарув компанияси фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни биргаликда молиялаштириш тамойиллари асосида жалб қилиш бўйича самарали ва шаффоф тижорат майдонини яратган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тартибини белгилаш;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, инвестиция сиёсатининг тамойиллари, шунингдек, уни амалга ошириш механизмларини белгилаган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида инвестиция активларини ишончли бошқариш тўғрисида шартномалар тузиш тартиби.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (З. Ш. Низомиддинов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Н. Арипов) ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2019 йил 1 мартга қадар** инвестиция лойиҳаларини, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришни** назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун муддатини мамлакатдан чиқмасдан узайтириш имконияти бўлган, амал қилиш муддати уч йилни ташкил қиладиган **“инвестиция визаси”** жорий этилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқароларига, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари)га **Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 10 йил муддатга соддалаштирилган тартибда берилади**;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки “инвестиция визаси”га эга хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

хорижий инвесторлар, улар томонидан хорижий давлатлар фуқаролари орасидан жалб этиладиган мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларини вақтинча рўйхатга олиш инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилаётган ҳудуддаги аҳоли яшаш пунктида, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бўлганда қайта рўйхатдан ўтиш мажбуриятисиз, визанинг амал қилиш муддатига (виза мавжуд бўлмаганда эса 1 йил муддатга) амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) билан биргаликда **Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси**ни (кейинги ўринларда — инвестиция компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Р. Холмуродов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Ш. А. Вафоевга Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаш ваколати берилсин.

13. Белгилансинки, инвестиция компанияси:

Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) компаниясининг **75 фоиз миқдордаги** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг **25 фоиз миқдордаги** улушлари ҳисобига **5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги устав фондига** ва **1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги эълон қилинган капиталига** эга бўлиб, масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади, бунда қўшимча иштирокчиларни ўрнатилган тартибда жалб этиш мумкин бўлади;

фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил қилинаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталларида улушлар сотиб олиш, қарзлар бериш, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталидаги улушларни маҳаллий ва хорижий инвесторларга реализация қилиш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа шаклларда **инвестиция фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга**;

Бирлашган Араб Амирликларининг инвестициявий, молия институтлари ва компаниялари билан **инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш вазифаларини бажаради**, улар билан инвестициявий муносабатларни мувофиқлаштиради, шунингдек, қўшма инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

14. Белгилаб қўйилсинки:

инвестиция компанияси, шунингдек, унинг таъсисчилари олинган дивиденд ва фоизлар бўйича даромадлар билан бирга фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан, шунингдек, унинг мол-мулки ва активларини реализация қилишда қўшилган қиймат солиғидан 3 йил муддатга озод қилинади;

устав фонди (капитали)нинг камида 30 фоизи инвестиция компанияси маблағлари ҳисобидан шакллантирилган янги ташкил этилган корхоналарга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёз ва преференциялар татбиқ этилади.

15. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарув ходимларининг вакант лавозимларини қисқартириш ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат **Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси**;

вазирлик ва идораларда — белгиланган штатлар сони доирасида **халқаро рейтинглар бўйича фаолиятни амалга ошириш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослашган таркибий бўлинмалар** ташкил этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига, энг аввало, хорижий ишбилармонлик доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари ўртасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, Давлат дастурининг бориши, бизнес учун яратилган қулай шароитлар тўғрисида кенг маълумот бериш ва тарғиб қилишни ташкил этиш учун масъул бўлган **PR-марказ** функцияси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (З. Ш. Низомиддинов) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги, жумладан, PR-марказ функциясини бажариш доирасида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини ишлаб чиқсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда етакчи халқаро молиявий ва консалтинг ташкилотларини жалб этган ҳолда **2019 йил 1 июлга қадар** устав капиталидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улушлар) пакетларини сотиш назарда тутилаётган стратегик аҳамиятга эга бўлмаган хўжалик жамиятлари ягона рўйхати шакллантирилиши ва юритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда **2019 йил 10 июлга қадар** халқаро ишбилармонлик доираларида истиқболли инвестиция лойиҳалари, шу жумладан, устав капиталидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улушлар) пакетларини сотиш назарда тутилаётган хўжалик жамиятлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тақдимотларини **(“Road Show”)** ўтказиш графигини тасдиқласин ва йил давомида амалга оширсин.

19. Белгилансинки, 2019 йил 1 мартдан бошлаб болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига тўлгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу бандда белгиланган ижтимоий нафақа миқдорини ва уни тўлаш тартибини назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин.

20. Банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, касбий малакалар бериш ва тасдиқлашнинг умуммиллий тизимини жорий этиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йилдаги устувор вазифаси ҳисоблансин**.

Белгилансинки, фуқаролар, айниқса, ёшлар томонидан ўз малакасини ошириш учун таъсирчан рағбатлантирувчи омиллар яратиш, шу жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмасига кирувчи касб-ҳунар коллежлари негизида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида банд бўлмаган аҳоли ва ишсиз фуқаролар учун ўқитиш марказларини ташкил этиш ҳисобига замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш технологияларига таянган касбга ўқитишни йўлга қўйиш ва касбий малакани баҳолашни назарда тутувчи касбий малакалар умуммиллий тизимини жорий этишга асосий эътибор қаратилиши лозим.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мамлакатда касбий таълим беришнинг замонавий тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида бир ой муддатда ишчи касблар нуфузини юксалтириш ва касбий таълимни ривожлантириш бўйича халқаро ҳаракатга қўшилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

22. Белгилансинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

олий таълим муассасаларига ҳужжатларни давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга шахслардан иборат абитуриентлар учун олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ушбу шахслар ўртасида ўтказиладиган танлов асосида алоҳида квоталар ажратиш тартиби киритилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси **2019 йил 1 мартга қадар**:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда **олий таълим муассасалари томонидан талабаларни қабул қилиш квоталарини** иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг истиқболдаги эҳтиёжларини, шунингдек, муассасаларнинг кадрларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилаш тартибини тасдиқласин ва **ушбу тартиб 2019/2020 йилдан татбиқ этилишини** назарда тутсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда хорижий дипломларнинг эквивалентлигини тасдиқлашдаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш ва уларни тан олиш жараёнини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни либераллаштириш;

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини дифференциация қилиш, ушбу тоифадаги ишларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тезкор кўриб чиқилишини таъминлаш.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) **“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати** — нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

б) режалаштирилган ислоҳотларни, шу жумладан, Давлат дастурида назарда тутилган ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида фуқаролар, хорижда яшаётган ватандошлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ихтиёрийлик асосида бирлаштиришни “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг **асосий вазифаси** этиб белгилаш, шу жумладан, қуйидагилар орқали бирлаштириш:

халқ ва бизнес ҳамжамияти билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг саъй-ҳаракатлари ва кучларини сафарбар этиш;

режалаштирилган, шу жумладан, Давлат дастурида назарда тутилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши жараёнини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий ахборот ва таклифларни мунтазам киритиш;

в) Умуммиллий ҳаракат раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари орасидан сайлаш, улар бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда якунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

27. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан яқин ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

29. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 17 январь

# «БАЖАРАМИЗ», «ХЎП БЎЛАДИ»ДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

*Айни пайтда Чирчиқ шаҳрида 78 мингга яқин иқтисодий фаол аҳолининг 91,8 фоизи иш билан банд. Бу яхши кўрсаткич. Аммо масала синчиклаб ўрганилса, бошқа муаммолар борлиги ойдинлашади. Иш билан банд бўлганларнинг 50 фоиздан ортиғи норасмий фаолият юритмоқда. Демак, улар ҳам рўзғор тебратяпти. Лекин солиқ тўламайди, эртанги пенсия таъминотидан тўлиқ умидвор бўла олмайди.*

## Маҳаллий Кенгашларда

Шаҳарда бу муаммоларни ҳал этишнинг имконияти мавжуд. Энг аввало, ташкилий, ҳисоб-китоб, иш жойларини расмийлаштириш каби тадбирларни йўлга қўйиш лозим. Ишсизларни қайта тайёрлаш масалаларини мувофиқлаштириш талаб этилади.

Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши сессиясида ҳудуднинг шу ва шунга ўхшаган ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид масалалар муҳокама этилди. Хусусан, инвестиция жалб қилиш, кичик саноат зоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бўш турган бино ва ерлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги кунда шаҳарда 273 та бўш турган бино мавжуд, уларнинг 198 таси хусусийлаштирилган. 8 та мактаб ва болалар боғчасининг келгуси тақдири ҳақида ҳанузгача аниқ хулосага келинмаган. Умуман, бу борадаги муаммолар мутасаддилар эътиборидан четда қолиб кетган.

Маҳаллалар кесимида ишсизлар ҳақидаги тўлиқ хатловнинг йўқлиги ва бошқа сабаблар бир пайтда икки хил хулосага келишга асос бўлади: иш ўрни бор — ишчи кучи йўқ ёки ишчи кучи бор — иш ўрни йўқ. Шу боис мазкур масала юзасидан ҳисобот берганларнинг айримлари “бажарамиз”, “қойил қиламиз”, “режалаштирганмиз”, “хўп бўлади” каби баҳоналардан нарига ўтишолмади. Ваҳолонки, бундай номутаносибликка барҳам бериш вақти аллақачон етиб келганини депутатлар алоҳида таъкидлашди.

Сессияда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан аниқланган муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Ўрганиш давомида жами 20 мингдан ортиқ ечим талаб қиладиган масалалар аниқланди. Соҳалар кесимида таҳлил этилганида, энг кўп муаммолар аҳолини электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш, йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ. Уларни бартараф этиш юзасидан Республика ишчи гуруҳи ташаббуси билан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Лекин ечимини кутиб турганлари ҳам талайгина.

Аниқроқ айтганда, ўрнатилганига узоқ вақт бўлган 78 та ёғоч таянч устуни яроқсиз ҳолатда бўлиб, хавфсизлик талабларига умуман жавоб бермайди. Истеъмолчиларни электр энергияси билан барқарор таъминлаш мақсадида 11 трансформатор пунктини алмаштириш, 6 та маҳаллада умумий узунлиги 11,3 км. бўлган электр кабель тармоқларини мукаммал таъмирлаш зарур. Умумий узунлиги 255,8 км. ичимлик суви тармоқларининг 54 фоизи яроқлилик муддатини ўтаб бўлган. Натижада тизимда кўплаб авария ҳолатлари содир бўлиши, ичимлик сувининг исрофгарчилиги ҳолатлари аниқланган.

Сессияда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам суст амалга оширилгани танқид қилинди. 86 та уйнинг том, 24 тасининг ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникация тизимларини таъмирлаш ниҳоясига етмаган. 13 та қозонхона, 40 та қозон, 92,4 км. иссиқлик тармоғидаги қатор носозликлар сабабли истеъмолчиларга меъёридагидан анча кам миқдорда иссиқлик етказиб берияпти.

Шу билан бирга, 7 ва 29-мактабгача таълим муассасасини қайта қуриш, 4 та умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш, айниқса, 3 ва 4-умумий ўрта таълим мактабларидаги аҳволни қисқа фурсатда ўнглаш лозимлиги қайд этилди.

Сессияда шаҳар ҳаёти билан боғлиқ бошқа камчиликлар ҳам муҳокама қилиниб, уларни ҳал этишнинг аниқ йўллари белгиланди. Қабул қилинган “Йўл харитаси”дан республика, вилоят ва шаҳар кесимида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ўрин олди. Топшириқлар ижроси бўйича сектор раҳбарлари масъул этиб белгиланди.

Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг сессиясида Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Худди шундай сессиялар Тошкент вилоятининг Паркент ва Юқори Чирчиқ туманларида ҳам ўтказилди. Туманлардаги иқтисодий-ижтимоий аҳвол ўрганилди. Тегишли хулосалар чиқарилди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТАРТИБЛАР

## аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг тушунтирилмоқда



*Айни пайтда энг кўп муҳокама қилинаётган мавзу, бу — солиқ соҳасидаги ўзгаришлар. Сабаби, жорий йилнинг 1 январидан эътиборан амалиётга солиқ солишнинг янги тартиблари татбиқ этила бошланди.*
*Бу жараёнда аҳоли, айниқса, бизнес субъектлари ўртасида турли саволлар туғилаётгани, баъзи ҳолларда тушунмовчиликлар юзага келаётгани бор гап.*

*Давлат солиқ қўмитаси томонидан шу каби масалаларга ойдинлик киритиш, тадбиркорларни қизиқтираётган саволларга атрофлича жавоб бериш мақсадида “Ўзэкспомарказ” мажмуасида кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк масъуллари, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашяпти.*

## Семинар

Тадбирда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилги асосий йўналишларидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятига қаратилмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Беҳзод Мусаевнинг айтишича, 2019 йилдан бошлаб қўлланилаётган янгиликлар замирида очиқ, шаффоф, энг асосийси, самарали солиқ маъмуриятчилигини қўллаш мақсади мужассам. Шу боис солиқ юки камайтирилиб, содда ва барқарор тизим яратиляпти. Ушбу ислоҳотлар, ўз навбатида, янги иш жойлари ташкил этиш, аҳоли даромадини кўпайтириш, бизнес юритиш учун ҳар томонлама мустаҳкам пойдевор бўлади. Пировардида иқтисодиётимиз рақобатдошлиги таъминланиб, инвестициявий жозибадорлиги ортади.

Хўш, солиқ солишнинг янги тартиблари, афзалликлари нималарда намоён бўлмоқда?

— Солиққа тортишнинг янги тартиблари Давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш, солиқ қонунчилигини соддалаштириш, инсофли солиқ тўловчилар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган, — дейди Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ катта инспектори Дилдора Ҳошимова. — Шу мақсадда Солиқ кодекси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ягона ижтимоий тўлови ставкаларини жорий этувчи тегишли моддалар билан тўлдирилди. Бу каби ўзгаришлар натижасини солиқ юки камайгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишни такомиллаштириш мақсадида амалдаги кўп шкалали тартиб бекор қилиниб, унинг ўрнига даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз этиб белгиланди. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга камайтирилган бўлса, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаб келинган 8 фоизлик суғурта бадаллари бекор қилинди. Шунингдек, тижорат банклари учун фойда солиғи ставкаси 22 фоиздан 20 фоизгача, корхона ва ташкилотлар учун 14 фоиздан 12 фоизгача, дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар учун 10 фоиздан 5 фоизгача камайтирилгани инвестициялар миқдори оширилишига қулай шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Тошкент шаҳри ва вилоятидан ташриф буюрган тадбиркорлар тақдим этилаётган бундай солиқ имтиёзлари эвазига юридик шахслар ҳисобида катта маблағ қолишини эътироф этишди. Бу эса уларнинг бизнес фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари очиш, ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини оширишда рағбатлантирувчи омил бўлади, албатта. Бироқ айрим кичик бизнес субъектлари раҳбарлари ҚҚС ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги туфайли уларда айнан ушбу солиқ тури бўйича кўплаб саволлар пайдо бўлмоқда.

Аслида, ҚҚС ўзи нима? Унинг асосий тўловчилари кимлар ҳисобланади?

— ҚҚС товарлар нархига устама кўринишида қўшиб ундириладиган солиқ ҳисобланади, — дейди Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Азиз Умирзоқов. — У умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар, яъни ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган юридик шахсларга нисбатан қўлланилади. Бироқ ялпи тушуми 3 миллиард сўмдан ошмайдиган тадбиркорларга енгиллик сифатида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. 2021 йилнинг 1 январига қадар қўлланиладиган мазкур тартиб акциз солиғи тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ҳамда ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олувчи юридик шахсларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги тегишли қарорига мувофиқ, гўшт, балиқ, картошка, пиёз, тухум, гуруч, шакар ва нон маҳсулотлари ҚҚСдан озод қилинган. Ушбу имтиёз солиқ тўловчилар учун фақат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи савдосида қўлланилиши белгилангани диққатга сазовор.

Бугун якунланадиган кўргазмали семинарда унинг иштирокчиларига солиқ ва молиявий ҳисоботларни шакллантиришда амалий ёрдам ва маслаҳатлар берилиб, умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби кўргазмали ҳамда тарқатма материаллар ёрдамида тушунтирилаётир.

Тадбирнинг дастлабки кунида бир гуруҳ тартибли солиқ тўловчиларга Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалар топширилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Ўзбекистон — Германия: ИШОНЧЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ШЕРИК

1

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми 3 триллион еврога тенг. Ушбу кўрсаткич орқали Германия жаҳонда АҚШ, Хитой, Япониядан сўнг тўртинчи ўринда туради. Мамлакат индустриал-технологик жиҳатдан юксак даражада тараққий топган. Бу ерда иқтисодиёт ижтимоий бозор муносабатларига асосланади. ЯИМ таркибида хизматлар 69 фоизни, саноат 30, қишлоқ хўжалиги бир фоизни ташкил этади. ЯИМ киши бошига тақсимланганда салкам 40 минг еврога, инфляция даражаси эса атиги 0,4 фоизга тенг. Электротехника, металлургия, кимё саноати, машинасозлик, автомобилсозлик ва бошқа соҳалар саноатнинг етакчи тармоқлари ҳисобланади.

Германия — федератив давлат, мухтор бошқарувга эга 16 ерлардан таркиб топган. Ушбу федерал ерларнинг ҳар бири ўз Конституцияси, парламенти ва ҳукуматига эга. Германияда давлат бошлиғи федерал Президент саналади, у халқаро-ҳуқуқий муносабатларда мамлакат номидан иш юритади. 2017 йилдан бери Франк-Вальтер Штайнмайер федерал Президент лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Олий вакиллик органи сифатида 709 нафар депутатдан иборат парламент — Бундестаг фаолият юритади. У парламентар республика бўлгани учун қарорлар қабул қилиш жараёнига Бундестагнинг таъсири ниҳоятда юқори. Бундестаг учун сайловлар ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилади. Бугунги кунда Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбледир.

Бундестагдан ташқари федерал ер ҳукуматлари аъзоларидан таркиб топган вакиллик органи — Бундестрат ҳам фаолият юритади. Ҳар бир федерал ер Бундестратда ўзининг 3 тадан 6 тагача вакилига эга бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда Берлин шаҳрининг амалдаги бургомистри Михаэль Мюллер Бундестрат Раиси лавозимини бажармоқда.

Федерал ҳукумат федерал канцлер ва вазирлардан таркиб топган. Федерал ҳукумат Бундестаг учун ўтказиладиган сайлов натижалари асосида шакллантирилади. 2017 йил 24 октябрда бўлиб ўтган умуммиллий парламент сайловларида Ангела Меркель раҳбарлик қилаётган Христиан-демократик иттифоқи ва Христиан-социал иттифоқи (ХДИ/ХСИ) бирлашмасидан таркиб топган партиявий блок ғалаба қозонди ва Ангела Меркель яна бир бор федерал канцлер лавозимига сайланди. (У 2005 йилдан бери ушбу лавозимни эгаллаб келмоқда).

Германия ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш орқали Европа интеграциясини ривожлантириш, трансатлантик ҳамкорликни кучайтириш, АҚШ билан узвий ҳамкорлик, МДҲ мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари билан муносабатларни кенгайтириш, БМТ мақомини мустаҳкамлаш, хусусан, унинг энг асосий органи бўлмиш Хавфсизлик Кенгаши таркибини доимий аъзолар сонини ошириш ҳисобига кенгайтириш, минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Германия Марказий Осиёга йирик табиий, инсоний ва иқтисодий салоҳиятга эга минтақа сифатида қарайди. Немислар Марказий Осиёни унинг ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган бозорини, шунингдек, Осиёни Европа билан боғлаб турувчи муҳим коммуникациявий кўприк эканлигини инобатга олиб, бу ерда немис бизнесини кенгайтириш учун қулай ҳудуд сифатида кўрадилар.

Унинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон йўналишидаги ташқи сиёсати икки томонлама асосда ҳамда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё стратегияси доирасида амалга оширилмоқда. Бунда расмий Берлин Марказий Осиё мамлакатлари томонидан биргаликда қатор минтақавий ташаббуслар ва лойиҳалар ҳаётга самарали жорий этилиши ва мазкур жараёнда Ўзбекистон минтақадаги етакчи давлатлардан бири сифатида муҳим роль ўйнаши мумкинлигидан келиб чиқиб, мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келяпти. Бундан ташқари, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласида ҳам ҳар икки мамлакатнинг позицияларида ўхшашлик мавжуд бўлиб, расмий Берлин бу борада Ўзбекистон ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.



● Германиянинг умумий майдони 357 минг квадрат километрдан иборат.

**● Аҳолиси сони 82,3 миллион кишини ташкил этади.**

● Мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми 3 триллион еврога тенг.

**● Олий вакиллик органи сифатида 709 депутатдан иборат парламент — Бундестаг фаолият юритади.**



● Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатларнинг кенг қамровли шартномавий-ҳуқуқий базаси мавжуд бўлиб, у 140 дан ортиқ турли битим ва шартномалардан иборат.



**● Охирги ўн беш йил мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётига Германиянинг 784,4 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги тўғридан-тўғри инвестициялари ва кредитлари жалб қилинган.**

## Кенг қамровли муносабатлар

Германия мамлакатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб, 1991 йил 31 декабрда тан олган. Мана, 28 йилдирки, Германия Ўзбекистоннинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, бу ерда амалга оширилаётган демократлаштириш ва кенг кўламли ислоҳотлар жараёнига ҳар томонлама кўмаклашиб келяпти.

Ҳозирги кунда давлатлараро муносабатларнинг муҳим институционал механизмлари яратилган. Улар орасида Ташқи ишлар вазирлиги йўналишидаги сиёсий маслаҳатлашувлар, Савдо ва инвестициялар бўйича Ҳукуматлараро ишчи гуруҳи, Германия — Ўзбекистон Ишбилармонлар кенгаши, Ўзбекистондаги немислар масалалари бўйича Ҳукуматлараро комиссияни алоҳида кўрсатиш мумкин. Икки томонлама муносабатларнинг кенг қамровли шартномавий-ҳуқуқий базаси ҳам мавжуд. У 140 дан ортиқ турли битим ва шартномалардан иборат.

2017 йилнинг 14 — 16 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигидаги Ўзбекистон Ҳукумати делегацияси Германияга ташриф буюриб, ушбу давлат расмийлари, хусусан, Бавария федерал ери ва ишбилармон доиралари билан қатор учрашув ва музокаралар олиб борди. Шунингдек, Мюнхен шаҳрида Германия — Ўзбекистон Ишбилармонлар кенгашининг учинчи йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Мазкур ташриф якунлари ўлароқ, 2017 йил 30 ноябрда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги Битимга мувофиқ, ҳозир икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айирбошлашнинг қулай тартиби амал қилмоқда. Охирги ўн беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига 784,4 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги тўғридан-тўғри немис инвестициялари ва кредитлари жалб этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда германиялик сармоядорлар иштирокида 123 та, шу жумладан, тўлиқ хориж капиталига эга 26 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Республикамизда Германиянинг 33 фирма ва компания ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Юртимиз иқтисодиётига инвестиция киритиб, самарали фаолият олиб бораётган немис корхоналари ичида, айниқса, “MAN” компанияси билан замонавий юк ташиш автомобиллари ишлаб чиқариш, “Claas” концерни ва “Lemken” компанияси билан қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш, “Knauf” компанияси билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби лойиҳаларни санаб ўтиш мумкин.

Икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда Гёте институти, К. Аденауэр ва Ф. Эберт фондлари, Халқ университетлари немис ассоциацияси халқаро ҳамкорлик институти (IIZ/DVV), Хориждаги мактаблар Марказий бошқармасининг немис тили бўйича мувофиқлаштирувчиси/махсус маслаҳатчиси бюроси (ЦфА) ва бошқа немис ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият юритяпти.

Таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 1842 мактабда 377 мингдан ортиқ ўқувчилар немис тилини ўрганяпти, шу жумладан, 5 мингга яқин ўқувчилар Тошкент, Самарқанд ва Марғилон шаҳарларида Германиянинг тил соҳасидаги ихтисослик дипломини (DSD) олиш ҳуқуқини берувчи учта махсус мактабда таҳсил олмоқда. 4443 нафар ўқитувчи немис тилидан сабоқ беряпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, келгусида биз ўзбек — немис алоқаларини ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасини янада мустаҳкамлаш йўлида ўз саъй-ҳаракатларимизни биргаликда давом эттиришимиз лозим.

## Имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 20 — 22 январь кунлари Германия Федератив Республикасига расмий ташриф буюриши кутилмоқда. Бу ташриф мамлакатимиз раҳбарининг Европа қитъасига Франциядан кейинги иккинчи расмий ташрифи саналади.

Ҳозир мамлакатимиз раҳбарининг ташрифига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Режалаштирилган ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германия канцлери Ангела Меркель ва федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан яккама-якка ҳамда кенгайтирилган учрашувлари бўлиб ўтиши, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда қатор битим ҳамда шартномалар имзоланиши кутилмоқда.



Немис мутахассислари сўнгги икки йилда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар анча жонланганини эътироф этмоқда. Айниқса, темир йўл, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм, машинасозлик каби соҳаларда ўзаро ҳамкорликка интилиш тенденциялари тобора кучайиб боряпти.

Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги энг муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. 2018 йилнинг тўққиз ойи давомида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 526 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ бу кўрсаткич ҳали мавжуд имкониятлар даражасидан анча паст. Шу боис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, хусусан, мева-сабзавотларни ва тўқимачилик товарларини Европа Иттифоқига, шу жумладан, Германия бозорларига экспорт қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва бу борадаги имкониятларни кенгайтириш истиқболдаги муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон ҳудудларида иқтисодий соҳанинг барқарор ривожланиши, немис инвестицияларини ва технологияларини жалб қилиш, ўрта ҳамда кичик корхоналарга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш ва экспортга йўналтириш бўйича мажмуалар ташкил қилиш, замонавий қўшма корхоналар барпо этиш юзасидан кўпдан-кўп лойиҳаларни йўлга қўйиш мумкин. Шунингдек, таълим ва кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида ҳам ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳали яхшигина имкониятлар бор. Немис инвестицияларини жалб қилишда экология, нефть-кимё, автомобилсозлик ва бошқа қатор соҳалар ҳам анча жозибадор ҳамда истиқболли йўналишлар ҳисобланади.

Маълумки, Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ташаббус ва саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Икки мамлакат ушбу йўналишда ҳам, хусусан, Мозори Шариф — Ҳирот ва Мозори Шариф — Кобул — Пешавор темир йўл линияси, Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линияси, турли узунликдаги автомобиль йўлларини ва Афғонистондаги бошқа инфратузилма объектларини қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш учун немис инвестицияларини жалб этган ҳолда, самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган таълим йўналишидаги лойиҳаларда, жумладан, Термизда ташкил этилган Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ҳамда Афғонистонда таълимни қўллаб-қувватлаш халқаро фонди фаолиятида Германия томонининг иштирок этиши истиқболли йўналишлардан биридир. Келажакда шу каби имкониятлардан унумли фойдаланиш ўзаро алоқаларимизнинг янада кенгайишига ҳамда икки мамлакатни бир-бирига тобора яқинлаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Германияга бўлажак ташрифининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш, бизнес тузилмалари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратса, иккинчи томондан, мазкур ташриф орқали Германия жамоатчилигини мамлакатимизда юз бераётган кенг кўламли ўзгаришлар билан таништиришга ёрдам беради.

Ҳозир Ўзбекистонда аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва қадриятлари мисли кўрилмаган даражада ўзгармоқда, эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланяпти. Энг муҳими, ушбу жараёнлар дунёда юз бераётган умумбашарий тенденциялар билан ҳамоҳанг тарзда кечяпти. Мамлакатимизда тинчлик, тотувлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган фаол ташқи сиёсий фаолият юртдошларимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Халқимиз Германиядек нуфузли давлат билан ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзбек — немис дўстлигининг келажакда янада мустаҳкамланишига астойдил ишонади.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

1

Тадбирда икки мамлакат компаниялари ўртасида саноат кооперациясини янада ривожлантириш, ҳинд компанияларини Ўзбекистонга жалб қилиш, ҳамкорликда бизнес форуми ва кўргазмалар ташкил этишнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Мажлисда тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, электроэнергетика, қурилиш, кимё, енгил саноат, туризм ва меҳмонхона бизнеси бўйича иш олиб борадиган ҳинд ишбилармонлари билан Ўзбекистон бизнес ташкилотлари очиқ мулоқотга киришди.

— Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлар кенгаши мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида тузилган, — деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов. — Мажлисда фармацевтика, тўқимачилик, хизмат кўрсатиш, логистика ва инвестиция йўналишларида ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Ҳиндистон саноат конфедерацияси ва ҳинд тадбиркорлари юртимизга бизнес делегацияларини юборишини маълум қилди. Шунингдек, Тошкентда Ҳиндистон саноат конфедерациясининг доимий ишлайдиган офисини очиш, октябрь ойида иккинчи мажлисни ўтказишга келишиб олдик.

Андижон вилояти ва Гужарат штати ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳам олий даражадаги музокаралар маҳсулидир. Андижон вилоятида ҳинд сармоядорлари иштирокида жами 206 миллион долларга тенг лойиҳалар устида иш бошланган. Шулардан 6 таси фармацевтика соҳасига тегишли, яна 3 та корхона билан музокаралар олиб борилмоқда. Бу лойиҳалар Президентимизнинг 2019 йил 14 январдаги “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони билан Андижонда ташкил қилинган Ўзбекистон — Ҳиндистон эркин фармацевтика зонасида амалга оширилади.

Тадбир якунида Ишбилармонлар кенгашининг кейинги мажлисини Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу куни Гандинагар шаҳрида “Жўшқин Гужарат” саммити доирасида халқаро савдо кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон, Канада, Франция, Норвегия, Нидерландия, Польша, Япония, Корея Республикаси, Таиланд, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Африка Республикаси, Австралия давлатлари стендлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма майдонларида аэрокосмос ва мудофаа, агросаноат, биотехнология, кимё ва ёқилғи кимёси, бутловчи қисмлар, электроника, экология, қимматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмлари, соғлиқни сақлаш, инфратузилма ва мегалойиҳалар, фармацевтика каби 25 та сектор бўйича халқаро ҳамда маҳаллий стендлар ўрнатилган. Кўргазмада жаҳон саноатининг илғор брендлари янги маҳсулот ва ишланмаларини намойиш этмоқда.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимига Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди ташриф буюрди. Бош вазир халқаро павильонларни кўздан кечириш асносида юртимиз стенди билан ҳам танишди.

Бугунги кунда ҳинд ишбилармонлари юртимизда бизнес юритишга катта қизиқиш билдирмоқда. Айни пайтда икки мамлакат бизнес доиралари кўплаб қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётир. Фармацевтика, соғлиқни сақлаш, туризм, тиббиёт туризми, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, минерал ресурслар, жумладан, рангли ва ноёб металларни қазиб олиш, инфратузилма ва замонавий арзон уй-жойлар қурилишига оид лойиҳалар икки томонлама ҳамкорлик учун истиқболли саналади.

Кўргазмада юртимизнинг қишлоқ хўжалиги, ҳунармандлик, ахборот технологиялари каби етакчи тармоқлари маҳсулотлари Ҳиндистон ишбилармон доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Унинг доирасида ўзаро манфаатли кўплаб келишувлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Мазкур кўргазма икки давлат тадбиркорлари ўртасида савдо алоқалари кенгайишини қўллаб-қувватлаш, янги қўшма корхоналар сони ҳамда ўзаро маҳсулот айланмасини оширишга хизмат қилади.

**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Аҳмадобод, Ҳиндистон

# «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГУЖАРАТГА ТАШРИФИ ТАРИХИЙ ВОҚЕА ВА БУ БИЗ УЧУН КАТТА ШАРАФДИР»

1

**Вижай РУПАНИ,**
**Гужарат штати маъмурияти раҳбари:**



— Ўзбекистон — ишончли ҳамкоримиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Гужаратга ташрифи тарихий воқеа ва биз учун бу катта шарафдир. Ҳар икки томоннинг ҳам ҳамкорликдаги салоҳияти юқори. Ўзбекистон ва Гужарат саноатнинг кўплаб соҳаларида, ёқилғи-газ, фармацевтика йўналишларида биргаликда ишлаши катта натижа беради, деб ҳисоблайман.



**Ражкумар БЕНИВАЛ,**
**Гужарат штати маъмуриятининг саноатни ривожлантириш бюроси бош менежери:**

— Гужарат халқаро саммитида қатнашиш учун 30 мингдан зиёд меҳмонлар аккредитациядан ўтди. Бундан ташқари, саммитда 15 та мамлакат ҳамкор сифатида иштирок этади. Турли давлатлардан 115 та хорижий делегация ташриф буюриши кутиляпти. Улар сафида илк маротаба Ўзбекистон ҳам бор.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётир. Хусусан, Гужарат штати билан ҳам ҳудудий ҳамкорлик бошланган. “B2B” форматидаги учрашувлар кўпайяпти. Инвестициялар жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Ўзбекистон Президентининг катта делегация билан Гужаратга ташриф буюриб, асосий меҳмон сифатида халқаро воқеликда иштирок этиши, ҳамкорликнинг янги истиқболлари муҳокама қилинишидан жуда мамнунмиз.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.**

Ҳиндистонлик ишбилармонлар:

# «ДАВЛАТИНГИЗ ТОМОНИДАН ЭМИН-ЭРКИН БИЗНЕС ЮРИТИШИМИЗ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛЯПТИ»

*Бугунги Ҳиндистон фақатгина чой маҳсулотлари, кино асарлари ёки инновацион технологияларни ишлаб чиқариш билан чекланиб қолаётган мамлакат эмас, балки барча соҳада илғор тажрибани қўллаб, тараққиёт сари дадил илдамлаётган давлат сифатида ном қозонмоқда.*

*Аҳоли сони бўйича дунёда иккинчи, иқтисодий салоҳияти бўйича етакчи ўринлардан бирида турадиган Ҳиндистон Ўзбекистоннинг истиқболли ва яқин ҳамкорларидан ҳисобланади. Шерикчилик фақатгина иқтисодий-ижтимоий ёки гуманитар соҳалар билан чекланмайди, балки турли истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳам икки давлат алоқаларининг манфаатларига тўла мос келади.*

*Андижон вилоятида ўзбек — ҳинд эркин фармацевтика зонасининг ташкил этилиши ушбу салоҳиятдан унумли фойдаланиш сари ташланган улкан қадам бўлди. Чунки Гужарат Ҳиндистоннинг фармацевтика марказларидан бири ҳисобланади ва штатнинг мамлакат дори-дармон бозоридаги улуши 40 фоизни ташкил қилади.*

**Амар ЖУНЖУНВАЛА,**
**«Веригроу Сингапур» компанияси президенти:**



*— 2012 йилда Наманган вилоятида ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун 10 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритган эдик. Тўғри, ўша пайтларда ушбу жараёнда бир қатор қийинчиликларга дуч келдик. Бугунги кунда Ўзбекистон тез ривожланиб, янада очиқ давлатга айланмоқда. Бу ислоҳотлардан биз, инвесторлар ҳам беҳад мамнунмиз. Давлатингиз томонидан эмин-эркин бизнес юритишимиз учун қулай шароитлар яратиб беріляпти.*

Айтиш жоиз, ҳинд тиббиёти ва фармацевтикасининг эришган ютуқлари ўзбекистонликларга яхши маълум. Мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити сабабли Ҳиндистоннинг тиббиёт муассасалари бизда ўз клиникалари филиалларини очиш истагини билдирмоқда.

**Мегха ВАТС,**
**«Пратикша хоспитал групп» компанияси ижрочи директори:**

*— Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликдаги ишларимизга жуда катта ишонч ила қараяпмиз. Биз Тошкентда ўз филиалимизни очишни режалаштирдик. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Аввало, мамлакатда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан хорижлик сармоядорлар учун барча қулайлик яратиб берилмоқда. Энг муҳими, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли тарзда ҳимоя қилинаётгани бизни қувонтиради.*



Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар ахборот-коммуникация соҳаларида ҳам изчил ривожланмоқда. Ҳозирги кунда Ҳиндистон ахборот технологиялари ва дастурий ишланмалар соҳасида энг илғор мамлакатлар қаторига киради ва дунёнинг юздан ортиқ давлатларига сифатли дастурий маҳсулотлар етказиб беради.

Мамлакатда дастурий маҳсулотлар экспортининг 90 фоизи 50 дан ортиқ шаҳарларда жойлашган технопарклардаги фирма ва компаниялар томонидан амалга оширилади. Мисол учун, Карнатака штатидаги Бангалор шаҳрида телекоммуникация, аэрокосмик соҳа учун юқори технологик ишланмалар ва дастурий таъминотлар тайёрланади.



**Шамшод ХОН,**
**АКТ таҳлилчиси:**

*— Ҳиндистонда АКТ соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилади. Бу эса ҳозирги юқори даражага етишимизга катта туртки бўлди ва натижада мамлакат иқтисодиёти ривожланди. Янги иш ўринлари яратилди, инвестицияларга кенг йўл очиб берди. Албатта, Ўзбекистон билан ушбу соҳада ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан хурсандмиз.*

Ҳиндистон билан тажриба алмашишга арзигулик яна бир соҳа борки, у ҳам бўлса — туризм. Сайёҳлик индустриясининг жадал ривожланиб бораётганини мамлакат ялпи ички маҳсулотида унинг ҳажми 10 фоиздан ортиқ эканлигида ҳам кўриш мумкин. Эътиборлиси, сўнгги 10 йил ичида Ҳиндистон бу соҳа ортидан тушаётган даромадни икки баравар оширишга эришди ва ҳозир туризмдан келаётган даромад 230 млрд. АҚШ долларидан ошмоқда.

Қисқаси, икки давлат ўртасида барча соҳада ўзаро манфаатларга бирдек мос келадиган алоқаларнинг янги босқичида кенг суръатларда ўсиш тенденцияси кузатиляпти. Давлатимиз раҳбарининг тўрт ой ичида иккинчи бор Ҳиндистонга ташриф буюраётганининг сабаби оддий: икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг ўзаро ишонч, манфаатли ҳамкорлик ва истиқбол асосига қурилаётгани ва бу келажакда турли соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилиш борлигидан далолат беради.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**







«Микрокредитбанк»:

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАДРЛАЁТГАНЛАР

*Азал-азалдан ҳунармандларга жамиятнинг илғор вакили сифатида қаралиб, уларнинг меҳнати алоҳида қадрланган, фаолият юритиши учун эса барча шароит яратиб берилган. Негаки, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш, шунингдек, бозор расталарини турфа маҳсулотлар билан тўлдиришда бу соҳа вакилларининг ҳиссаси катта бўлган. Эътиборлиси, иқтисодиёт тармоқлари тараққиёти жадаллашиб, барча соҳага замонавий технологиялар кириб келган айни замонда ҳам ҳунармандлар маҳсулотларига эҳтиёж асло сусайгани йўқ. Аксинча, қўл меҳнати билан яратилган буюмларга талаб тобора ортмоқда.*



## Молия муассасаларида

Шу боис юртимизда ҳунармандчиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, соҳа вакилларига қўшимча имтиёз ва енгилликлар тақдим қилиняпти. Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳунармандларнинг янги синфи вужудга келишига туртки бўлаётир.

"Микрокредитбанк" АТБ томонидан мазкур ҳужжатнинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, унинг Самарқанд вилояти филиали томонидан 2018 йилда соҳага 13,2 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилиб, кўплаб юртдошларимизнинг эзгу мақсадлари рўёбга чиқди.

— Ҳунармандчиликнинг энг нозик ва нафис тури бўлган зардўзлик билан шуғулланамиз, — дейди Зулхумор Зоҳидова. — Биласиз, бу кишидан қунт, сабр-тоқат ва ўз ишига меҳрни талаб этади. Чунки битта буюмни қўлдан чиқариш учун ойлаб меҳнат қиламиз. Уни сотиб олган мижозлар, айниқса, хорижлик меҳмонларнинг раҳмат айтганини эшитиб, чарчоқларимиз унут бўлиб кетади, иштиёқимиз янада кучаяди.

Ўтган йили фаолиятимизни кенгайтириш, иш самарадорлигини ошириш мақсадида зардўзлик ускуналари харид қилишга зарурат туғилди. Шу пайтда "Микрокредитбанк" вилоят филиали бизга катта таянч бўлди. 50 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Шунинг ҳисобига 7 та замонавий зардўзлик ускунасини олиб келиб, устахонамизга ўрнатдик. Натижада ишчиларимиз сони 22 нафарга етди.

Биз, ҳунармандларга берилаётган молиявий кўмак ва рағбат янги лойиҳалар устида ишлашга ундамоқда. Хусусан, мен Самарқанд зардўзлик мактабини ташкил этиб, ҳунармандчилик сир-асрорларини ёшларга ўргатиш, ўзбек зардўзлик санъатини дунёга кенг тарғиб қилиш ниятидаман.

Ҳунармандчилик шундай касбки, у уй-рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда, меҳнат қилиш, қўшимча даромад топиш имконини беради. Бу хотин-қизлар бандлигини таъминлашда айни муддаодир. "Микрокредитбанк" томонидан хотин-қизларнинг бу борадаги ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани туфайли вилоятда тадбиркор аёллар сони йил сайин ортмоқда. Людмила Кудзиева мазкур банк ёрдамида ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйган ишбилармонлардан.

— Самарқанд туризм марказларидан бирига айланган, — дейди у. — Шаҳримизга дунёнинг турли бурчакларидан меҳмонлар ташриф буюришади. Уларнинг миллий либосларимизга бўлган қизиқиши ғоятда катта. Бизнес фаолиятимизни йўлга қўйишда ана шу жиҳат туртки бўлди. Банкнинг 45 млн. сўмлик имтиёзли кредити ҳисобидан 10 дан ортиқ тикув машиналари сотиб олиб, ўзбек миллий либослари тикишни йўлга қўйдик. Ҳозир Амир Темур кўчасида жойлашган корхонамизга хорижликлар тез-тез ташриф буюришади.

Кандакор уста Нутфилло Саидовнинг устахонаси эса кўҳна Самарқанднинг Бибихоним мадрасасида жойлашган. Унинг ижодхонасини бамисоли мўъжазгина музейга қиёслаш мумкин. Уста ва унинг шогирдлари томонидан ясалган бежирим буюмлар шундай тартиб билан жойлаштирилганки, қараб кўз қувнайди. Айниқса, хорижлик кандакорлик санъати ошуфталари ҳунарманднинг олдидан кетгиси келмайди. Ҳар бири санъат асари даражасига кўтарилган лаган, қумғон, коса каби идишларнинг яратилиш тарихи билан қизиқишади.

— Асосий мижозларимиз чет эллик сайёҳлар ҳисобланади, — дейди Н. Саидов. — Уларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларимиз, қадимий уй-рўзғор буюмларимизга қизиқиш катта. Шу боис биз фаолиятимизни кенгайтириб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириб келяпмиз. Бунда ўтган йили "Микрокредитбанк" томонидан берилган 51 млн. сўмлик имтиёзли кредит қўл келмоқда.

Кўриниб турибдики, замонавийлик, тезкорлик каби устувор тамойиллар асосида иш юритаётган "Микрокредитбанк" сармоялари қўлигул ҳунармандларнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш ва экспорт ҳажми ортишида рағбатлантирувчи омил бўлаётир.

**Зилола ПЎЛАТОВА.**







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.15 Топширилди — 03.45 1 2 3 4 5 6